

Дажжол Макка ва Мадинадан бошқа барча юртларга киради



16:57 / 31.12.2024 3431

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ???????????

??????? ?????? ??????????? ?????????????? ??????: ???????

???? ??????? ??????? ?????????????? ??????????????? ???????

????????? ?????????????????????? ??????????? ??????? ?????

????????????????? ??????? ??????????? ???????????????????

????????????? ??????????????? ??????????????? ??????????????????

?????????????? ?????????????????? ?????????? ??????????????

?????????? ?????????? ?????????? ?????? ??????????

?????????????.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Дажжол Макка билан Мадинадан бошқа ҳар бир юртни албатта оёқости қилади. Иккисининг ҳар бир йўлини фаришталар саф бўлиб қўриқлайдилар. Шунда у тузли ерга тушади. Кейин Мадина уч марта титрайди, ундан барча кофир ва мунофиқлар у (Дажжол) томонга чиқади».**

Шарҳ: Дажжол Мадинаи Мунавварани қўриқлаб турган фаришталарни қўриб, тузли ерда тўхтайди. Унинг келганини эшитиб, Мадинадаги барча кофир ва мунофиқлар чиқиб, унинг олдига боришади.

???? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????:

????????????? ?????????? ?????? ?????????? ?????? ??????????????

????????????? ?????????? ?????????????? ?????????????? ??????

????????????????? ?????????? ?????????? ?????????????????? ??????:

????????? ?????????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????????

????? ?????????????? ?????????? ?????????????????????? ??????????????????

?????? ?????????? ?????????????????? ?????????? ???????

????????????????????? ?????????????????? ?????????????? ??????????????????

?????? ???? ?????? ????????? ???? ???? ???????

????????? ??????????? ?????: ?????????? ??????????

?????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????

??????? ?????? ??????????? ?????????????? ??????????????

????????????? ??????????????????: ?????????????????? ?????

???????????? ???? ???? ???? ?????????????????? ??????????????????

??? ?????????????? ??????????????????: ??? ?????:

????????????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ??????

????????????? ?????????? ??? ??????? ??????? ??????? ??????????

????????????? ?????????? ??????? ??????: ??????????????

????????????????? ?????? ?????????????????? ?????? ??????????????

?????????????. ?????????????? ??????????????????.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга Дажжол ҳақида узоқ гапирдилар. У зот бизга гапирган нарсалар ичида қуйидагилар бор эди:
«Дажжол келади. Мадинанинг йўлларида кириш унга ҳаром қилинган. У Мадинанинг яқинидаги тузли ерлардан бирига етиб, тўхтайдди. Ўша куни унинг олдида одамларнинг яхшиси (ёки одамларнинг яхшиларида бири) чиқиб, «Гувоҳлик бераманки, сен - Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга айтиб берган Дажжолсан!» дейди.

Шунда Дажжол: «Айтинглар-чи, агар мана буни ўлдириб, кейин тирилтирсам ҳам шак қиласизларми?» дейди. «Йўқ!» дейишади. Шунда у ҳалиги одамни ўлдириб, кейин тирилтиради. У бўлса тирилганидан кейин «Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон сени ҳозиргидек яхши танимаганман», дейди. Дажжол уни яна ўлдирмоқчи бўлади, лекин бунга қодир бўла олмайди».

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Шундоқ қилиб, Дажжол ўзига эргашганлар олдида шарманда бўлади.

???????? ???? ?????????? ?????? ?????? ??????????

????????? ??????: «????????? ????????????????

????????????????? ?????????? ??????? ?????

????????????????????? ??????????????? ????????????

????????????????? ?????????????????? ??????: ??????? ??????????????

?????????????: ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????????

????????????????? ??????: ?????? ??????????? ????????????????

????????????? ??? ?????????????? ?????????? ??????????????????:

????????????????? ?????????????? ??????????????? ??????????????:

????????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ??????

?????????? ??????? ?????????? ??????:

????????????????? ?????? ?????????????????? ?????????? ??????

????????????????? ??????: ??? ??????????? ??????????? ??????

????????????????? ?????????? ??????????? ?????????? ??????

????????? ??????? ?????????????? ?????????????????? ??????:

????????????????? ?????????????????? ?????? ??????????????????

?????????????: ?????????? ?????????????????? ??????????????? ??????????????

????????????????? ?????????????? ??????????????: ?????? ??? ??????????????

????? ??????: ??????????????: ?????????? ??????????????????

?????????????????? ??????: ?????????????????? ?????? ??????????????????

????????????????????? ?????? ?????????????????? ?????????? ??????????????

????????? ?????????????????? ?????????? ??????????? ??????????????????

????????? ?????????????????????????????? ?????????? ??????????? ??????: ??????

????????????????? ??????????????? ?????????? ??????????? ??????:

????????????????? ?????? ?????????????????? ??????: ??? ??????????????

????? ?????? ?????????? ?????? ??????????: ???
????????? ?????????? ?????????? ??? ?????????? ??????????
?????????? ?????? ?????????????? ??????: ??????????????
?????????????? ?????????????????? ?????????????? ??? ??????
?????????????? ?????? ?????????????????? ?????????????? ??????
????????????????? ?????????????? ?????????????? ??????: ??????????????
????????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????
????????????????? ?????????????? ?????????????? ?????????? ??????
????????????????? ?????????????????? ?????????????? ?????? ??????????????????»?
????????? ?????????? ?????? r: «?????? ?????????????? ?????????????
????????????? ?????????? ??????? ??????????????????????» . ??????????
?????????????

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Дажжол чиқади. Мўминлардан бир киши у томон боради. Уни Дажжолнинг силоҳли одамлари учратиб, «Қаёққа бормоқчисан?» дейишади. «Анави чиққан одамнинг олдига бормоқчиман», дейди. «Роббимизга иймон келтирасанми?» дейишади. «Роббимиз(нинг сифатлари) махфий**

эмас», дейди. «Уни ўлдиринглар!» дейишади. Сўнгра улар бири-бирига «Роббимиз менинг изнимсиз ҳеч кимни ўлдирманглар демаганмиди?» дейишади. Сўнг Дажжолнинг олдига боришади. Мўмин уни кўриши билан, «Эй одамлар! Манави Расулуллоҳ алайҳиссалом айтган Дажжол!» дейди. Шунда Дажжол уни юз тубан ётқиздириб, «Уни ушлаб, уринглар!» дейди. Унинг елкасига, қорнига калтак ёғилади. Кейин у: «Менга иймон келтирмайсанми?» дейди. Мўмин «Сен каззоб Масийҳсан!» дейди. Амр қилиниб, унинг бошидан арра солиб, икки оёғи орасидан ажратиб ташлашади. Сўнгра Дажжол икки бўлакнинг орасида юриб, унга «Тур!» дейди. У туради. Кейин Дажжол унга «Энди менга иймон келтирасанми?» дейди. «Сен ҳақингдаги билимим зиёда бўлди, холос! Эй одамлар! Бу мендан кейин бирор кишига бундай қила олмайди!» дейди. Сўнг Дажжол яна уни сўймоқчи бўлади, аммо унинг бўйни билан кекирдаги мисга айлантириб қўйилиб, уни сўя олмайди. Кейин унинг қўл-оёғидан тутиб, улоқтиради. Одамлар уни дўзахга улоқтирди, деб ўйлашади, аслида эса жаннатга улоқтирган бўлади».

Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Бу - оламларнинг Робби наздида одамларнинг энг улуғ шаҳидидир», дедилар».

Муслим ривоят қилганлар.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан